Ток ва субтропик экинлари зараркунандалари ва уларга қарши кураш

Ток унсимон қурти. Planococcus citri урғочи ҳашорат 4мм атрофида, танаси овалсимон, сарғиш-қўнғир рангда. Танаси қалин оқ ғубор билан қопланган, Шунинг учун унсимон қурт дейилади, Танасининг охирида 2та узун, чеккаларида эса 34та ўсимталар жойлашган. Эркаклар 1 жуфт қанотли, қорин охирида 1 қатор ўсимталари, ипчалари бор. Мўйловлари узун ҳашоратларнинг катталиги 1,2 - 1,5 мм келади. Личинкалари катта ёшга ўхшаш бўлиб, фақат майдалиги билан фарқланади.

Эрта баҳорда улар жонланиб, кўп йиллик навдалар ва ток навларида озиқланади. Кейинроқ урғочи зотлари пўстлоқларга ўртача 40та атрофида тухумларини қўяди. Тухумлар ҳам мумсимон ғубор билан қопланган. Тухумлар 10-14 кун ривожланиб, улардан чиққан ёш личинкалар 1 йиллик новдаларни бориб сўра бошлайди. Зараркунанда токдан ташқари яхши анжирни, бошқа цитрус ўсимликларни, тутни ҳам шикастлаши мумкин.

Кураш чоралари. Токзорлардаги бегона ўтларни йўқотиш. Эрта баҳорда ток зангини қирқиб қолган пўстлоқларини тозалаб, керосин-оҳакли эмульсия билан оқлаб қўйиш.

40% Би-58 = 1.2-3.0 л.-га 50% карбафос - 1,0 - 2.6 л.-га

Ток баргуровчиси Lobesia botrana. Катталиги 11-19 мм бўлган, олдинги жуфт қанотлари сарғиш-жигарранг бўлиб, ўртасида кенг сарғиш - оқ белбоги бор. Қуртлари 13мм гача оч яшилдан кулранг яшилгача ўзгарувчан, бош бўлаги ва яна қалқони ялтирой қора. Ғумбаги 7мм атрофида, кўкиш-жигарранг тусда товланиб туради.

Ток баргўровчиси мавсум давомида 3та қисман 4та авлод боради. Иккинчи ва учинчи насли кўп бўлиб, ҳосилга катта талофат етказади. Ҳашорат ғумбакли даврида қисман ичида эски занглар остида, илдиз бўғзидаги кўчган пўстлоқларнинг остида, ёғоч тиргакларнинг ёриқларида қишлаб қолади. Баҳорда капалакларнинг учиб чиқиши токларда учун

тўпгуллари майда бўлиш даврига тўғри келади. Урғочи ҳашоратлар ўзларининг 120 га яқин тухумларни яна шу тўпгулларга қўяди.

Ток канаси. Каналар майда 0,16мм катталикда, танаси цилиндрик шаклда чувалчангга ўхшаш, оқ ёки сомон каби сариқ туслик. Етук каналарнинг 2 жуфт оёқлари бор. Тухумлари тиниқ, узунчоқ тухумсимон шаклда, катталиги 38 микрон. Ўровчи каналар куртаклар асосида ва пўстлоқ ёриқларида қишлаб қолади. Баҳорда барглар ёрилиши билан каналар уларнинг орқа томонига кўчиб ўтиб унинг ширасини сўриб ётади. Кана зарарлаш гипертрофия кузатилиб, (барг устида). Барг остида эса наматга ўхшаш қоплам ҳосил бўлади. Каналар ана шу қоплам таналарнинг ичида яшайди. Ёз давомида бир нечта авлоди ривожланади.

Кураш чоралари. Ток канаси кўпроқ ташлаб қўйилган токзорларда учрагани учун агротехник тадбирларга эътибор бериш.

57% Омайт - 1,2-1,8 л.-га 30% Омайт - 1,6-2,4 л.-га

80% Олтингугурт - 10-16 л.га

Анжир парвонаси. (Simaethis hemorana). Капалаклари қанот ёзганда 15мм қадар. Олдинги жуфт қанотлари қўнғир сифатида ноаниқ, орқа қанотлари тўқ қўнғир унинг ўртаси ва четки қисмида оч қўнғир доғлари бор. Муйловлари оқ ва қора рангда навбатлашиб келадиган кўринишда. Қориннинг ости, кўкракнинг ости, оёқлари оқ рангли. Ғумбаги қўнғир, 6мм атрофида, танасининг охирида 2та тиканчаси бор. Ғовак ўралган пиллачанинг ичида бўлади. Уруғлари 15мм қадар, оқиш-яшил туслик, сифатида кўплаб қорамтир сўгаллари бор, тухуми оқ.

Катта ёш куртлари қишлаб қолади. Баҳорда улар ғумбакка айланиб, май ойининг биринчи ярмида капалаклар учиб чиқади ва тезда тухум қўйишга киришади одатда 30-50та тухум қўйилади. Тухум битталаб баргларнинг остки томонига қўйилади. Тухумдон чиққан куртчалар шу ерда яшойди ва баргларнинг эгалик қисмини кемиради.

Келтирилган қуртлар баргларнинг ҳар 2 томонидан зарарлайди ҳамда меванинг ичига ҳам тешиб киради. Позвена 3 марта авлод бериб, асосан 2-3 бўғим вакиллари анорга кўпроқ зарар етказади.

Кураш чоралари. Агротехник тадбирлари сифатли қилиб ўтказиш, кўчган ва зарарланган пўстлоқларни қириб, эрта баҳордаги профилактик ишлов, 30% фазолон 0,2 % эритмаси билан 2 марта ишлов берилади. (майнинг II ун кўнлигида ва майнинг охирида). Тўкилган барг, меваларни, тупроқларда қотиб қолган меваларни териб ташлаш.